

Баъзан эркакларнинг олтин, платина каби ноёб металлардан узук такиб олишганига гувоҳ бўламиз. Исломда бу борада кандай кўрсатмалар бор?

**ЖАВОБ:** Эркак киши темир, мис ва кимматбаҳо тошлардан узук такмайди. Бир одам Набий соллаллоҳу алайхи васалламнинг хузурларига келди. Унинг қўлида мис узук бор эди. У зот унга: «Не бўлдики, сендан санамларнинг хидини туймокдаман?» дедилар. Шунда ўша одам уни ташлаб юборди. Сўнгра у яна бир бор келди. Унинг қўлида темир узук бор эди. У зот унга: «Не бўлдики, мен сенда дўзах ахлининг зийнатини кўрмокдаман?» дедилар. Шунда у (киши) уни ташлаб юборди. Сўнгра: «Эй Аллоҳнинг Расули, уни нимадан килишим керак?» деди. У зот: «Уни кумушдан кил ва бир мисколга етказма», дедилар» (“Сунан” эгалари ривоят килишган). Бу ривоятдан мис ва темир узук эркак кишига мумкин эмаслиги очик-ойдин кўриниб турибди. Уламоларимиз ушбу ривоятдан олган хукмлар ичida эркак кишининг кумуш узуги бир мисколдан зиёд бўлмаслиги керак, деган хукм хам бор. Тилла суви юритилган нарсаларни ишлатиш ханафий мазхабида жоиз, дейилган (Аллоҳ билувчиидир).